

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

БЕКНАЗАРОВ ЗАФАРЖОН ЭРГАШЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt474 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рустамов Даврон Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Қўзиёва Наргиза Рамазоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахмонов Дилшоджон Алиджонович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертацияси билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиёв

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий
семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (Диссертация ишининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётидаги пенсия таъминоти тизими тўғрисида маълумотларга эга бўлиш ва уларни таҳлилий маълумотлари натижасида пенсия таъминотидаги ислохотларни амалга ошириш пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий элементларидан ҳисобланади. Айрим давлатларда хусусий секторда банд бўлганларни келажакда йўқотилган даромадаларини қоплаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш учун “Касбий пенсия суғуртаси”¹ (Япония, Хитой) ҳамда шартли жамғариладиган пенсия (Норвегия) тизими орқали намоён бўлмоқда. Пенсия таъминоти тизимида универсал пенсия тизими Дания, Канада, Эстония каби давлатларда мавжуд. Аммо ушбу давлатларда пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг асосий қоидалари тасдиқланганига қарамадан, пенсия таъминоти тизимига оид принципларнинг ҳеч қайси бири ўзининг асосий вазифасини тўлиқ амалга оширмаган. Ушбу давлатларда пенсия таъминоти тизимлари турли моделларни қўллаган ҳолда, аралаш тарзда фаолият кўрсатмоқда. Пенсия таъминоти универсал тизимнинг асосий камчилиги, пенсия тўловлари даражасининг пастлигида намоён бўлади.

Жаҳон пенсия таъминоти тизимида аҳоли қариш жараёнининг тезлашганлиги оқибатида уларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишда юзага келадиган пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари тизими, молиявий таъминотни такомиллаштириш масалалари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича айрим мамлакатларда иқтисодий фаол аҳоли сонининг камайиши, пенсия юки меҳнатда банд бўлганларнинг зиммасига тушаётганлиги, ўтиш иқтисодиёти даврида пенсия жамғармаси даромадларининг асосий улуши юридик шахсларга тўғри келиши, пенсияларни суғурталашнинг бориши пенсия тўловларини амалга оширишда тақчилликни келтириб чиқармоқда. Юқорида келтирилган масалалар пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари уларни чуқур илмий таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўртача пенсия миқдорининг ўсиш суръатлари ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан юқори бўлганлиги ва пенсия жамғармасига бадал тўловчиларнинг сонини кескин қисқарганлиги пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Шунингдек, мазкур мавзунинг долзарблиги хусусида Олий Мажлисга Мурожаатномада алоҳида таъкидланиб, “...пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия

¹<https://www.allianz.com/en/about-us/who-we-are/regions-countries/japan.html>-Allianz International Pensions What's happening in Japan and Japan

тизимини тубдан ислоҳ қилиш”² муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексаларни ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сонли “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 2 февралдаги 2723-сонли “Иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2826-сонли “Пенсия ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштиришни чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё пенсия таъминоти тизимига улкан ҳисса қўшган олимлар, қаторида куйидагиларни келтириш мумкин Н.Барр, Р.Холцман, Д.Эстел, Д.Линдеман, М.Рутковский.

Пенсия таъминоти тизимига доир Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг бир қатор иқтисодчи олимлари В.Н.Баскаков, А.Н.Больницкая, К.Г.Вобль, Е.В.Галкина, Е.Н.Жильцов, А.Н.Иванов, С.В.Кадомцева, Ф.М.Куршаева, П.К.Лаврентьева, Е.Н.Лысенко, Е.Е.Мачульская, В.Д.Роик, А.С.Соколовлар ўзларнинг илмий изланишлари хусусида авлодлар бирдамлиги тизимидан аралаш пенсия тизимига ўтишнинг назарий жиҳатлари тадқиқ этилган³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

³ Барр Н. Экономическая цена социальной политики. Актуальные проблемы Европы. Экономика, политика, идеология. Вып.1.М.,1991. – 189 с.; Галкина Е.В. Формирование социально-страховых резервов повышения качества жизни населения /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – Тамбов, 2006. – 19 с.; Иванов А.Н. Пенсионное страхование как фактор трудовой мотивации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2008. – 18 с.; Кадомцева С.В. Экономические основы системы социальной защиты./М.,1997. – 248 с.; Лаврентьева П.К. Развитие пенсионной системы в России /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2004. – 19с.; Лысенко Е.Н. Совершенствование формирования и инвестирования пенсионных накоплений в Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2005. – 18 с.;Соколов А.С. Экономическая политика государства при формировании пенсионной системы в переходной экономике России /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. –М.: 2006. – 18с.; Соколова А.Б. Формирование распределительно-накопительной системы пенсионного обеспечения в Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – М.: 2005.– 19 с Куршаева Ф.М. Институциональные аспекты реформирования пенсионной системы Российской Федерации /Автореферат дисс. на соис. учен. степени к.э.н. – Нальчик, 2003. – 20 с.

Бизнинг мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини назарий ва амалий жиҳатларини йирик иқтисодчи-олимларимиз Б.Х.Умурзоқов, А.В.Вахабов, Н.М.Мажидов, Р.Т.Далимов, Д.Р.Рустамов, Ш.У.Ражабов ва бошқалар томонидан ўрганилган⁴.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашга доир таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг ижтимоий, назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини тизимли ўрганиш;

пенсия жамғармаси даромадларини шаклланиши ва ўзгариш тенденциялари таҳлил қилиш;

пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби ва уларни тақсимлаш жараёнлари таҳлил қилиш ҳамда уларга баҳо бериш;

пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилиш;

пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий манбаларини шакллантириш ва самарали сарфланишида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, қиёсий

⁴ Вахабов А.В., Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси Тошкент. Иқтисод-молия. 2018 й. Дарслик. 400 б.; Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его использование в условиях переходной экономики. Автореферат дисс на соис.учен. степ. канд.экон. наук: – Ташкент, 2002. – 20 с.; Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тизимини ислох қилиш (пенсия тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2003. – 23 б.; Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Монография. – Т.: «Фан», 2005. – 175 с.; Д.Р.Рустамов Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2018 й. 32 б. Ш.У.Ражабов Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018 й. 30 б.

таққослаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда амалга оширганда уларнинг меҳнат стажини ошириш таклиф этилган;

пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси миқдори оптималлаштирилган;

пенсия жамғармасини молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан алоҳида ягона ижтимоий тўловни жорий этиш таклиф этилган;

пенсияларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этишда пенсияларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш орқали пенсияларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларда уларнинг иштирок этишларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

пенсия жамғармалари молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини чуқур тадқиқ этиш асосида олинган хулосалардан миллий амалиётимизда пенсия таъминоти тизимини босқичма-босқич ривожланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда истиқболда самарали фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган;

пенсия жамғармаси даромадларини шаклланиши, уларнинг таркибий тузилиши ва ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш асосида кейинги йилларда пенсия жамғармаси даромадларини шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланишдаги мавжуд муаммолар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

илғор халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари турли кўринишдаги сценарийлар асосида таҳлил қилинган ва эҳтимолий муаммоли вазиятлар юзасидан муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган;

пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва уни молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, тегишли ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Давлат Солиқ қўмитаси ҳамда Давлат Статистика қўмитасининг маълумотларига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти юртимизда амалга оширилаётган пенсия таъминоти тизиминининг молиявий барқарорлигини ошириш ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг қўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан пенсия жамғармаси ва пенсия тизими ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ислоҳ этишга бағишланган илмий концепция, қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш, пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар томонидан пенсия жамғармасига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим баравари миқдорида йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда амалга ошириши белгиланган тартибда меҳнат стажига қўшилиши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сонли “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 27 февралдаги 30-01-32-211-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий қилиниши хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг келажакда пенсия тизимидаги иштирокини рағбатлантириш амалиётини вужудга келишига хизмат қилган.

пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида юридик шахслар учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини оптималлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 27 февралдаги 30-01-32-211-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сонининг ортиши ва мазкур жараёнларда жисмоний шахсларнинг улушини ортишига эришилган;

аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 5 фоиз миқдорида

белгиланиши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ-3680-сонли “Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 27 февралдаги 30-01-32-211-сон маълумотномаси). Натижада пенсия жамғармасининг молиявий манбаларини янада оширишга эришилган.

пенсия тизимининг самарадорлигини ошириш, пенсия ёшидаги аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда олиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йил 27 февралдаги 30-01-32-211-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф пенсия таъминоти тизими самарадорлигини оширишга ҳамда мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 23 та, жумладан, 19 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробацияларда ўтказилган. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар, тавсиялардан «Пенсия жамғармаси фаолияти» ва «Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференцияларда 23 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг ижтимоий, назарий-ҳуқуқий асослари, пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибалари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва амалий хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, давлатларнинг иқтисодий ислохотлари авваламбор давлат пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий сиёсатдаги муайян ўрни ва вазифалари билан узвий боғлиқдир. Пенсия таъминоти тизимининг самарадорлиги миллий иқтисодиётни молиявий жиҳатдан соғломлиги, жамиятдаги макроиқтисодий ва институционал муносабатлар барқарорлигининг ўзаро мувофиқлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизими мамлакатнинг иқтисодий жараёнларига фуқаро, оила ва маҳалла миқёсида ўз таъсирини ўтказади. Тадқиқот ишимизнинг ижтимоий жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, пенсия таъминотининг самарадорлигини унинг ижтимоий йўналтирилганлиги, яъни аҳоли турмуш фаровонлигига мақсадли ва самарали эришганлиги билан белгиланади. Пенсия таъминотининг асосий вазифаси юқоридаги манфаатларга эришиш мақсадида пенсия оладиган аҳоли қатламларининг реал даромад миқдорларини сақлаб қолиш, турмуш даражаси ва сифатини ошириб боришга қаратилган.

Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтишда мамлакатнинг барқарор ривожланишини, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлишини таъминлаш билан бир қаторда бюджет–солиқ сиёсатини такомиллаштириш, давлат бюджети даромадларининг мавжуд захираларини ўрганиш муҳим вазифа қилиб олинди. Бу жараёнда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқариш механизми, даромад қисмини ифода этувчи молиявий манбаларни шакллантириш таҳлили муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий ҳимояланиши меҳнатга лаёқати бўлмаган фуқароларни ижтимоий жамғармалар маблағлари ҳисобидан меҳнат ва ижтимоий пенсияларни бериш йўли билан Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқларни кафолатлаб беради. Ёшга доир ва ижтимоий пенсияларпенсия ёшидаги аҳолининг турмуш даражаси ўсишини таъминлаш манбаиларидан

бири ҳисобланиб, пенсияларни олиш ҳуқуқига эса меҳнат қилиш асосида эришилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг ривожланиши⁵

Йил	Жараён
1991	Миллий Пенсия таъминоти тизими фаолият юрита бошлади.
1993	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.
1994	Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди.
1996	Ижтимоий суғурта жамғармаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди.
1997	Пенсия жамғармаси маблағлари Давлат бюджети таркибида консолидациялашди (жамланди).
2000	Пенсия жамғармасига давлат мақсадли жамғармаси мақоми берилди.
2004	Пенсия жамғармаси Молия вазирлигининг идоравий ташкилоти этиб белгиланди.
2005	“Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими” ташкил этилди.
2009	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча пенсия тайинловчи ва ТМЭК бирликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси таркибига ўтказилди.
2013	Бюджет Кодексида Пенсия жамғармасининг жамланган давлат бюджети таркибига давлат мақсадли жамғармалар сифатида киритилиши мустаҳкамланди.
2018	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармони асосида пенсия жамғармасига жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан ундириладиган мажбурий суғурта бадаллари 2019 йил 1 январдан бекор қилинди.
2019	Пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси” лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Мамлакатимизда аҳолининг кам таъминланган қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ногиронларни ҳам моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Қонунчиликда белгиланган имтиёзлар орқали ногиронларнинг жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун кенг имконият ва шарт шароитлар яратилмоқда. Лекин, орамизда бу каби улкан эътибор ва ғамхўрликдан керак бўлмаган ҳолларда фойдаланаётганлар учраб туриши салбий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкинки, тадқиқот давомида ўрганилган мамлакатларда пенсия тизими пайдо бўлган давр ва асосий хусусиятларини келтириб ўтганмиз.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Пенсия жамғармаларининг молиявий барқарорлигини оширишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижалари⁶

№	Далватлар	Пенсия тизимини ривожланиши	Асосий хусусиятлари
1.	Япония	1942 йил Пенсия таъминоти тизими шаклланган.	Хусусий секторда банд булганлар учун “Япония касбий пенсия суғуртаси” (Japan’s Employees’ Pension Insurance (EPI)) қамраб олади. Давлат ходимлари ва махсус касбий гуруҳларни қамраб олувчи “Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари” (Mutual Aid Associations (MAA)) ҳам мавжуд. Касбий ва ўзаро ёрдам дастурлари пенсия тўловлари миллий дастур тўловлари билан бир хил даражадаги таянч пенсия тўловлари ва унга қўшимча равишда даромадларга боғлиқ бўлган пенсия тўловларини қамраб олади. Миллий ва касбий пенсия тизимларида пенсияга чиқиш ёши аёллар ва эркаклар учун 65 ёш қилиб белгиланган.
2.	Хитой	1956 йилдан Хитойда пенсия таъминоти тизими молиявий ҳолатини бошқариш жараёнига яғни босқичи бошланган.	Базавий пенсия дастурида шартнома асосида давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган ёки вақтинча меҳнат фаолиятини тўхтатиб турган фуқароларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий пенсия суғуртаси бадали тизими ва пенсия тўловларини молиялаштириш механизмлари билан бир қаторда, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган фуқаролар учун пенсияларни тайинлаш ва уларни тўлаш схемаларини ўз ичига олади. Умуман ҳозирда Хитой миллий пенсия таъминоти тизимида давлат, касбий ва ихтиёрий пенсия таъминоти дастурлари амал қилмоқда.
3.	Норвегия	1967 йилда пенсия тизими амалиётга жорий этилган.	Норвегияда пенсия куйидаги элементлар асосида ташкил топади: мажбурий суғурта тизими доирасида амалга ошириладиган давлат пенсиялари; иш берувчи томонидан тўланадиган пенсиялар; шахсий пенсия жамғармалари.
4.	Дания	1881 йилдан пенсия таъминоти тизими амал қилиб келмоқда.	Дания пенсия таъминоти тизими куйидаги таркибга эга: Давлат - “халқ” пенсияси (таянч, базавий) ва қўшимча пенсиялардан ташкил топади); мажбурий пенсия ажратмалари; ихтиёрий пенсия бадаллари ва индивидуал пенсия дастурлари. Халқ пенсияси - давлат пенсияси миқдори пенсионернинг оилавий шароити ва мамлакатда яшаш муддатига боғлиқ ҳолда аниқланади.
5.	Канада	1951 йилда пенсия тизими вужудга келган.	Канада пенсия дастури инвестицион кенгаши (the Canada Pension Plan Investment Board - CPPIB) ташкил этилди. CPPIB нинг ташкил этилиши Канада пенсия фондлари активларидан инвестицион дастурларни молиялаштириш орқали уларнинг даромадлари базасини янада мустаҳкамлаш имконияти яратилди. Канада пенсия фонди томонидан 2015 йилнинг март ойида берилган баёнотга кўра, сўнгги йилларда Канада пенсия фондининг инвестицион фаолиятдан олган соф даромади йиллига қарийб 130 млрд долларни ташкил этади.
6.	Болтиқбўйи мамлакатлари	1950 йиллардан бошлаб пенсия тизими шакллана бошлаган.	Болтиқбўйи мамлакатлари пенсия таъминоти тизими уч даражали пенсия таъминоти тизими бўлиб, таркибий жихатдан давлатнинг мажбурий фондлаштирилмаган давлат пенсия таъминоти дастури, давлатнинг фондлаштирилган пенсия таъминоти схемаси ва хусусий-ихтиёрий пенсия таъминоти дастурларини ўз ичига олади. Бунда давлатнинг мажбурий фондлаштирилмаган пенсия дастури асосида давлатнинг баъзи пенсия тўловлари авлодлар бирдамлиги тамойили асосида молиялаштирилади.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда амал қилаётган пенсия таъминоти тизими икки даражали пенсия тизимлари (two-pillar pension system) тоифасига киради. Бунинг асосини бирдамлик (pay as you go system) компоненти ташкил қилиб, унга кўра аҳолининг ишлайдиган қисми, бюджетдан ташқари мақсадли Пенсия жамғармасида тўпланадиган мажбурий ижтимоий ажратмалар орқали, пенсияларни тўловчи сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Ижро этувчи аппарати маълумотларига кўра ҳозирда имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслар (яъни, муддатидан олдин пенсияга чиққанлар) ёшга доир барча пенсионерларнинг 45-47 фоизини, жумладан аёллар таркибида ёшга доир пенсия олувчиларнинг имтиёзли кўрсаткичлар асосида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг улуши 86-88 фоиз га тенг. Аёллар учун муддатидан олдин пенсияга чиқиш борасида кенг имкониятларнинг мавжудлиги пенсия олувчи аёлларнинг катта қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар қамраб олишига сабаб бўлмоқда. Пенсия жамғармасининг маълумотлари асосида амалга оширилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда уларнинг ҳиссаси ёшга доир жамаи пенсионер аёлларнинг 38-42 фоизини ташкил қилмоқда. Ёшга доир пенсияга чиққан, бироқ пенсия ёшига етмаган эркекларнинг ҳиссаси нисбатан камроқ бўлиб, у ёшга доир барча пенсионер эркекларнинг 1,0 фоизни ташкил эмоқда.

Диссертациянинг «**Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг амалдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида, Пенсия жамғармаси даромадларини шаклланиши ва ўзгариш тенденциялари ва пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби ва уларни тақсимлаш жараёнлари таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган. Бундан ташқари, пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини оширишнинг ўрта муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари қоплаш коэффициенти орқали ифодаланган бўлиб, мавжуд муаммолар аниқланган ва Пенсия жамғармаси даромадлари базасини мустаҳкамлаш, манбалардан тушумларнинг тўғри, аниқ ва ўз вақтида таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. буларни бартараф этиш бўйича муаллифлик ёндашувлар келтирилган.

Шу ўринда пенсия жамғармаси даромадлари ҳамда пенсия жамғармасининг ресурслари тушунчаларини изоҳлайдиган бўлсак, умумий жиҳатдан “Пенсия жамғармасининг ресурслари” ва “Пенсия жамғармасининг даромадлари” тушунчалари таркиб ва маъно турли хил ҳисобланади. “Пенсия жамғармасининг ресурслари” мазмуни, кўлами ва миқдори жиҳатидан “Пенсия жамғармасининг даромадлари”га қараганда кенг, ҳамда улар учун қуйидаги формула ўринли ҳисобланади:

$$PJR > PJD, \quad (1)$$

бу ерда:

PJR – Пенсия жамғармасининг ресурслари;

PJD – Пенсия жамғармасининг даромадлари.

Пенсия жамғармасининг ресурслари унинг даромадларидан ташқари ўз таркибига қуйидагиларни ҳам қамраб олиши мумкин:

- Давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар;
- Давлат мулкани хусусийлаштиришдан олинадиган тушумлар;
- Йўл жамғармасининг йил охиридаги қолдиқ суммалари;
- Республика бюджетининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари.

Айрим истиснолар билан Пенсия жамғармасининг ресурслари учун қуйидаги тенглик мос келади:

$$PJR = PJD + DBD + DMX + YFQ + RBQ, \quad (2)$$

бу ерда:

PJR – Пенсия жамғармасининг ресурслари;

PJD – Пенсия жамғармасининг даромадлари;

DBD – Давлат бюджетидан бериладиган дотациялар;

DMX – Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумлар;

YFQ – Йўл фондининг йил охиридаги қолдиқлари;

RBQ – Республика бюджетининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари.

Мамлакатимиз Пенсия жамғармасининг даромадлари таркибига мавжуд амалиётга мувофиқ қуйидагилар киради:

- ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар;
- фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари⁷;
- товарлар (хизматлар, ишлар) реализацияси ҳажмига нисбатан мажбурий ажратмалар;
- ягона солиқ тўлови⁸
- бошқа даромадлар.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, “Пенсия жамғармасининг ресурслари” ва “Пенсия жамғармасининг даромадлари” тушунчалари умумий жиҳатлари билан биргаликда мазмун ва миқдор жиҳатдан бири-бирдан кескин фарқланиши мумкин.

Фикримизча, пенсия жамғармасини молиявий барқарорлигини ошириш нуқтаи-назаридан амалиётда пенсия жамғармасининг даромадлари сифатида юқорида келтирилган кўрсаткичларга кирувчи маблағларнинг пенсия жамғармасининг ресурслари сифатида тегишли йиллар давомида фойдаланилаётганлиги, аслида ижтимоий суғурта тизими ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган пенсия жамғармасининг иқтисодий ҳолатига тўғри келмайди. Мамлакатимиз амалиётида ушбу ҳолатнинг мавжудлиги пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришни унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, биз мамлакат пенсия жамғармаси ресурсларининг 2014-2018 йиллардаги ҳолатини характерловчи рақамларни таҳлил этишимиз мақсадга мувофиқ. Маълумотларидан кўринадики, 2014-2018 йилларда пенсия жамғармаси даромадлари таркиби ўсиш даражаси 178,6 фоизни ташкил қилган. 2014 йилда даромадлар 13 013,7 млрд. сўм, 2015 йилда 16 557,0 млрд. сўм, 2016 йилда 18 113,3 млрд. сўм, 2017 йилда

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” фармони.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” фармони.

3-жадвол

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари таркиби (млрд. сўм)⁹

Кўрсаткичлар	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил (прогноз)	
Даромадлар	13013,7	100	16557,0	100	18113,3	100	19505,1	100	23240,1	100	23656,6	100
Йил бошига қолдиқ	1067,3	8,2	2592,0	15,7	2568,3	14,2	2282,0	11,7	3007,5	12,9	6450,0	27,3
Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушумлар	7299,5	56,1	8324,2	50,3	9474,0	52,3	10226,0	52,4	11808,0	50,8	17548,5	74,1
Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари	1877,2	14,4	2463,8	14,9	3235,0	17,9	3993,9	20,5	4466,3	19,2	-	-
Маҳсулот сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1933,0	14,9	2063,8	12,5	1527,0	8,4	1429,7	7,3	2059,9	8,9	-	-
Бошқа даромадлар	836,7	6,4	1113,1	6,7	1291,0	7,2	1555,0	8,0	1852,4	8,0	207,0	0,8
Солиқсиз даромадлар	-	-	-	-	18,0	0,1	18,0	0,09	46	0,2	9,0	0,04
Ягона солиқ тўловидан ажратмалар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1192,1	5,0
Давлат бюджетига субсидия	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4700,0	19,9

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2099, ПҚ-2270, ПҚ-2455, ПҚ-2699, ПҚ-3454, ПҚ-4086-сонли Қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

19 505,1 млрд. сўм, 2018 йилда даромадлар тушуми 23 240,1 млрд. сўмни ташкил этган.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадларини шаклантиришда юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар муҳим ўринни эгаллайди. Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар ҳажми 2014-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга. Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йил ягона ижтимоий тўлов бўйича тушумлар 7299,5 млрд. сўм, яъни жами даромадларнинг 56 фоизни, 2018 йилда иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловдан тушадиган даромадлар 11808 млрд. сўм, яъни 50,8 фоиз ни ташкил этди. Бу манба бўйича ўсиш даражаси 2014 йилга нисбатан 161,7 фоиз ташкил қилган (1-расм).

Иш ҳақидан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари 2014 йилда 1877,2 млрд.сўм ташкил қилиб, жамғарманинг жами даромадларини 14,4 фоизни ташкил этган. 2017 йилда мажбурий суғурта бадаллари бўйича тушумлар 3993,9 млрд. сўм ташкил қилиб, жамғарманинг жами даромадларини 20,5 фоизни ташкил этган. 2018 йилда иш ҳақидан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари тушуми 4466,3 млрд. сўмни ташкил этиб, жамғарманинг жами даромадларини 19,2 фоизни ташкил этмоқда (2-расм). Жадвал маълумотлар асосида таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, пенсия жамғармасига фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари орқали келадиган даромади ўсиш тенденциясига эга. 2014-2018 йилларда пенсия жамғармасига тушадиган фуқароларнинг иш ҳақидан ажратиладиган мажбурий суғурта бадаллари ставкалари йиллар давомида, яъни 2014 йилда 6,5 фоизни, 2015 йилда 7,0 фоизни 2016 йилда 7,5 фоизни, 2017-2018 йилларда эса 8,0 фоизни ташкил этган.

Юқорида таъкидланганидек, 2019 йил 1 январдан ушбу мажбурий суғурта бадали бекор қилинди. Ушбу ҳолат пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳисобга олинган ҳолда давлат бюджетидан 4,7 трлн.сўм миқдорда субсидия ажратилиши белгиланди.

Товар (иш ва хизмат)лар сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар Пенсия жамғармани даромадларида муҳим аҳамиятига эга. Мажбурий ажратмалар 2014 йилда 14,9 фоиз, 2015 йилда 12,5 фоиз, 2016 йилда 8,4 фоиз, 2017 йилда 7,3 фоиз жами даромадларда ташкил қилган. 2018-йилда маҳсулот сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар тушумлари жами даромадларининг 8,9 фоиз ҳажмида бўлиши режалаштирилмоқда. Ушбу даромад тури бўйича абсолют кўрсаткичлар ўсиб бориш тенденциясига эга, нисбий кўрсаткичлар 2014-2018 йилларда пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрда “2018 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”ги 3454-сонли Қарорининг 6-бандига

мувофик, 2018 йил 1 январдан бошлаб давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларнинг бирлаштирилди:¹⁰

- пенсия жамғармасига ажратма 1,6 фоиз;
- Республика йўл жамғармасига ажратма 1,4 фоиз;
- Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига ажратма 0,5 фоиз;
- умумий ставка 3,2 фоиз қилиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларининг таркибий қисмини ҳосил қилувчи элементлари ҳажми 2014-2018 йилларда турли хил даражада кўпайиш тенденциясига эгадир. Хусусан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадлари миқдори 2014-2018 йилларда 13,1 мартага кўпайган бўлса, ойлик иш ҳақидан фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳажми 35,7 марта, товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан мажбурий ажратмалар 10,1 марта ва бошқа даромадлар 46,6 мартага кўпайган.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини 2014-2018 йиллардаги харажатларининг таркиби¹¹ (млрд. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2014	2015	2016	2017	2018	2019 (прогноз)
1.	Ишламаётган пенсионерларга пенсиялар ва нафақаларни тўлаш	10334,4	12470,6	13894,6	15970,8	19623,4	26930,1
2.	Ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва нафақаларни тўлаш	316,9	387,3	430,4	486,7	620,0	
3.	Вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик, ҳомиладорлик ва туғиш, бола туғилганлиги ва дафн маросимлари учун пенсия ва нафақалар	31,2	120,4	152,6	174,6	238,0	
5.	Бошқа харажатлар	4,3	5,6	2,2	1,2	1,6	40,0
6.	Йил охиридаги қолдиқ	2564,4	2113,1	2310,8	3396,1	3007,5	3136,5
Жами харажатлар		10686,8	12983,9	14479,8	16633,3	20483,0	26970,1


Хулоса қилиб таъкидлаганда, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадларининг шу даврдаги ўсиш суръатларидан иш ҳақидан

¹⁰ Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрда “2018 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида”ги 3454-сонли Қарори.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2099, ПҚ-2270, ПҚ-2455, ПҚ-2699, ПҚ-3454, ПҚ-4086-сонли Қарорлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларининг ўсиш суръатлари 270 фоизга ва бошқа даромадларнинг ўсиш суръатлари эса 353,5 фоизга ортиқ бўлган. Товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан мажбурий ажратмаларнинг ўсиш суръатлари 21,7 фоизни ташкил этган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадларининг ўсишида меҳнат ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловлар улушини ўсиш суръатлари асосий ўринни эгаллайди. Тадқиқот натижаларига кўра, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадларининг юқори даражада ўсишини таъминлашдан меҳнат ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлиги аниқланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан қилинадиган харажатлар таркибидан вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик, ҳомиладорлик ва туғиш, бола туғилганлиги, дафн маросими ва ҳ.к.лар учун нафақалар жамғарманинг тўртинчи таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу харажатлар 2014-2018 йилларда муттасил тарзда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. 2014 йил бу кўрсаткич асосида қилинган харажатлар 31,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда эса 120,4 млрд. сўмни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 4 баробар ошганини кўришимиз мумкин. 2016 йил харажатлари тақибда 152,6 млрд. сўмни ташкил этди. 2017 йилда ушбу кўрсаткичга қилинган харажатлар олдинги йилларга нисбатан секинроқ ўсиш даражасида ифодаланди ва 174,6 млрд. сўмни ташкил этди. 2018 йилга келеб эса жамғарма таркибидан ушбу йўналишга қилинадиган харажатлар сезиларли даражада ошиб 238,0 млрд. сўмни ташкил этган.




1-расм. Қоплаш коэффициенти Ҳалқаро Меҳнат ташкилоти тавсияси даражасига эришиш учун тўланиши керак бўлган ягона ижтимоий тўловнинг ставкаси¹²

¹² Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ва Пенсия жамғармасининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расмдан кўриш мумкинки, юртимизда пенсия таъминоти тизимининг ҳатто ҳозирги ҳолатида меъёрий қоплаш коэффициентини таъминлаш учун ягона ижтимоий тўловни иш берувчиларга оширмасдан туриб амалга тадбиқ этишнинг имкониятига эга.

Қуйида келтирилган расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, боғлиқлик коэффициенти тадқиқот олиб борган йилларимизда қуйидагича яъни, 2014 йилда бир киши учун 4,5 киши тўғри келган бўлса, кейинги йилларда 2015-2016 йилларда 4,4 кишига тўғри келмоқда. 2017 йилда эса 4,2 кишини ташкил этади. 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 3,7 кишига тўғри келмоқда. 2019 йилда эса 3,2 кишига тўғри келмоқда.



2-расм. 2014-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида боғлиқлик коэффициенти ўзгариши (фоизда)¹³

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ундириладиган солиқларнинг регрессив шкаласи ҳам пенсия бадаллари ставкасининг барқарорлигини камайтиради. Таъкидлаб ўтилган резервларнинг ҳаммаси ўз таъсирини кўрсатадиган бўлса, 40,0 фоизли қоплаш коэффициентини таъминлаш учун керак бўлган ягона ижтимоий тўловнинг ставкасини 37 фоиздан 23 фоизгача пасайтиш мумкин. Бунда 2050 йилга бориб ушбу ставка 70 фоиз нинг ўрнига 42 фоиз га тенг бўлади.

Юртимизда пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш даражаси унинг молиявий барқарорлигини ошириш томонидан моделлаштириш натижаларини тугитиб, амалдаги қонунчилик, демографик ва иқтисодий жараёнларни пенсия таъминоти тизими Халқаро Меҳнат Ташкилоти

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

томонидан таклиф қилинган қоплаш коэффициентини таъминламайди.

Бизнинг фикримизча, пенсия таъминоти тизимини узоқ муддатли моделлаштиришнинг уч қўшимча сценарийсини ишлаб чиқиш мумкин. Қўшимча янги уч сценарийлар учун олдинги макроиктисодий ва демографик сценарийлардан фойдаланиш ва пенсия таъминоти тизимининг олдинги қуйидаги асосий кўрсаткичларини ўзида олиб қолиши керак:

- эркаклар ва аёлларнинг пенсия ёши – мос равишда, 60 ва 55 ёш;
- регрессив шкала ойлик иш ҳақининг ўсиш даражасига мувофиқ равишда индексация қилинади;
- коэффициентлар – имтиёзлилик – 0,96;
- ундирилувчанлик – 0,97;
- регрессия – 0,9.


Юқоридаги барча ҳолатларда меҳнат пенсиясининг базавий ва суғуртавий қисмларини индексация қилиш ойлик иш ҳақининг ўсиш даражасига боғлиқ, унинг жамғариладиган қисмини 2фоиз га тенг бўлган инвестициялар даромадлигининг реал ставкасига мувофиқ тадбиқ этилди.

Моделлаштиришнинг ушбу сценарийсида меҳнат пенсияларининг суғуртавий ва жамғариладиган қисмларини молиялаштиришга йўналтириладиган ягона ижтимоий тўлов ставкасининг миқдорининг ўзгариши қуйидагича:

- Учинчи сценарий – меҳнат пенсиясининг суғуртавий қисмига 12 фоиз; жамғариладиган қисмига эса – 6 фоиз;
- Тўртинчи сценарий – меҳнат пенсиясининг суғуртавий қисмига 14 фоиз; жамғариладиган қисмига эса – 6 фоиз;
- Бешинчи сценарий – меҳнат пенсиясининг суғуртавий қисмига 20 фоиз; жамғариладиган қисмига эса – 0,0 фоиз.

